

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА КУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ ИНТЕРЬЕРИ ВА
ЖИХОЗЛАРИ»

фанидан

МАЪРУЗА МАТНИ

В 580100 - Архитектура
IV курс бакалаврлари учун
Маъруза - 36 соат

доц. Холмирзаев К.М.,
асс. Магомедова Ф.Х.

Тошкент-2002

Тузувчилар: доц. Холмирзаев К.М.,
асс. Магомедова Ф.Х.

«Тураp жой бинолари интерьери ва жихозлари» фанидан
намунавий дастур

ТАКИ, Тошкент 2002, бет.

Мазкур намунавий дастур «Архитектура таълим йыналиши
талабалар учун «интерьер» маъруза матни тузилган, бакалаврлик
малакасини олувчиларга мылжалланган.

«Архитектуравий лойищалаши» кафедраси.

Тошкент архитектура-курулиш институти Илмий-услубий
кенгашида маъкулланган ва институт Илмий кенгаши карорига
асосан нашр этилди.

Баённома № _____ 200 йил, 22 апрел

Таъризчилар: проф. Хидоятв Т.А.

Тошкент 2002

КИРИШ.

Турар - жой, жамоат ва саноат бинолари интерьери /ички куриниши/ ва жихозланиши турли типдаги турар-жой, жамоат ва саноат биноларини уларнинг нимага мулжалланганлигига караб ички ташкилий фазовий шакллантиришининг узига хослигини, шунингдек турли функционал, технологик асбоб-ускуналар /мебель, ошхона, санитария - техник асбоб-ускуналар, сунъий ёритиш элементлари ва бошқалар/ни ишлаб чиқиш, биноларнинг ёруғлик ва рангли микро иклими, яшаш, меҳнат қилиш ва дам олиш учун ёқимли муҳит яратишини урганадиган фандир.

Маъруза курси архитектура мутахассислигининг укув курси дастури асосида тузилган ва тайёрланган.

"Турар-жой, жамоат ва саноат бинолари интерьери /ички куриниш/ ва жихозланиши" курси маърузаларининг асосий максоди лойихалаштириш асосларини очиш ва урганиш, ички ташкил қилинган муҳит ва унинг ҳар-хил таркибини яратиш ҳисобланади.

Маъруза курси икки асосий мустақил қисмдан иборат:

1- Турар-жой биноларининг ички куриниши ва жихозлари.

2- Турар-жой ва саноат бинолари ва қурилмаларининг ички куриниши ва жихозланиши.

Биринчи қисмда тураржой муҳитини ҳажмий режали куринишининг асослари, уни жихозлаш, табиий-муҳитий, ҳудудий, миллий ва халқана узига хосликлар мажмуага боғлиқ ҳолда ички майдон яратиш асосида ёруғга караб чиқилади.

Кетма-кет иморатини ҳар бир хонасининг: дахлиз, ванна, ошхона, санитария тармоғи, умумий хона, меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, кабинет ва бошқаларнинг майдони ва жихозланиш масалалари қуриб чиқилади ва урганилади.

Турли иморат хонадонларининг функционал жиҳатдан мақсадга мувофиқ-бадиий эстетик жиҳатдан гузаллиги, мебелларни қулайлиги, жихозланиши ва элементлар турар-жой биноларининг интерьери ва жихозланиши бўйича маъруза курсининг якунловчи босқичи сифатида лойихалаштиришнинг асосларидан бирида

Биноларнинг интерьери /ички куриниши/ ва жихозланиши.

1. Инсон қули билан узининг ҳаёт фаолияти учун яратилган ташкилий майдон, материал муҳит сифатида архитектура таърифи.

2. Ички ташкилий майдон сифатида "Ички куриниш" тушунчасини таърифи.

3. Интерьернинг "ИНТЕРЬЕР" кишиларнинг эстетик ва гоёвий жиҳатдан тарбиялаш воситаси сифатидаги тарбиявий аҳамияти. Аҳолининг уларни ураб турган материал атроф-муҳит асосида эстетик дидларнинг ривожлантириш ва ошириш.

4. Архитектор аҳолида эстетик яхши дидни ривожлантирувчи доимий тарғиботга бўлиши керак.

5. Бинонинг умумий композицияда ички қурилишнинг аҳамияти ва унинг қурилтошининг ташқи архитектураси билан алоқаси.

6. Ички майдон ички қурилиш бинонинг нимага мулжалланганлигига боғлиқ равишда ташкил қилинади.

7. Қурилишнинг гоёвий мазмуни ва унинг функционал узиға ҳослигининг ички қурилиши воситасида ифоаланиши.

8. Замонавий архитектуранинг характерли белгилари:

1. Архитектуранинг енгиллиги-амалийлиги ва бадиий тасвирланганлиги Конструкцияларнинг енгиллиги, уларни ҳисоблаш қобилияти, қурилиш материалларини тугри қўллай билиш.

2. Архитектуравий ечимларнинг берк бўлмаслиги майдоннинг очиклиги ички майдонни сиртки майдон билан бирлаштиришига интилиши.

3. Ҳаққонийлик ноқонструктив элементлардан воз кечиш, у ёки бу материалға ухшатиб ишлашдан воз кечиш. Пардоз ишларида материалларнинг табиий гузалликларидан фойдаланиш.

4. Иншоат композициясининг функционал жихатдан мақсадға мувофиқлилиги.

5. Қонструктив қурилиш жихатдан мақсадға мувофиқлилиги. Режалаштириш ечимлариға мос ҳолда конструкция жойлаш.

6. Эркин тартибдаги иморатлар бир-биридан ифодаланмайди. Ички майдоннинг ташқари билан алоқаси /Қўп мақсадли иморат/.

7. Бадиий ифодаларнинг ихчамлилиги. Қамбиқиклик /немноготемность/

8. Қарама-қаршилиқ /зидлик/лар тамоили. Зидликлар: ҳажмлар, ранглар муносабатлилиги, қузатишда идрок қилинадиган турли услублар /дағал том ва шаддор шиша/, металл ва ёғоч ва бошқалар.

9. Аввалда амалда бўлган ва замонавий архитктура кенг қўлланишға эришган санъат сатҳда.

Замонавий интерьернинг ривожлантиришиға йуналтирилганлик ва уни жихозлаш. Иморат ҳонадонларини гуруҳлаштиришда чегаралаш.

Турли функционал жараёнлар /умумий ҳонада: ошҳона, меҳмонҳона, иш жойи, ётоқҳонада иш жойи/ ни мужассамлаштириш учун иморат ҳоналарни ишға солиш.

Турли мақсадда фойдаланиладиган иморатларда майдонни чегаралаш.

Иморат ичидаги майдонни кенгайтиришға интилиш: интерьерни қўпол предметлар билан торлаштиришдан қўтилиш, урнатма /деворға сахна қўрилган /мебелларни кенг ишлатиш.

Турли шаклға узгартириладиган мебеллардан фойдаланиш.

Турлича ишларға мулжалланган секцияли мебеллардан кенг фойдаланиш мебеллар габаритини вертикал бўйича қамайтириш ва уларнинг улчамларини кечрайтириш /ихчамлик/ ички майдонларни ташқи майдонлар билан бирлаштирадиган ёруғлик тушган уринларни кенгайтириш йули билан майдонларни ҳақикатан йироск кенгайтиришға интилиш.

Замонавий интерьерда рангни кенг куллаш.

Ранглар билан /акцентирлаш/ ажратиб курсатиш

Зоналарда рангларга эътибор бериш.

Декоратив /манзарали/ - оммавий санъат - хонадонлар интерьери композициясининг охирги элементи сифатида.

Интерьер - унда яшовчи кишиларнинг диди ва эстетик карашларнинг акси сифатида.

ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИНИНГ ИЧКИ КУРИНИШИ ВА ЖИХОЗЛАНИШИ.

Турар-жой бинолари турар-жой уйлardan (квартира) ташкил топган булиб, турар-жой уйлар эса асосан:

- Дахлиз
- Мехмонхона
- Умумий хона
- Ошхона
- Ётокхона
- Болалар хонаси
- Кабинет
- Ванна, санитария тармоги
- Балкон, тересес, лоджиялардан иборатдир.

ДАХЛИЗ.

Дахлиз функционал роли буйича квартира хоналарини ташки мухитдан, яъни совукдан, чангдан, шовкиндан ажратиш, квартирани кутилмаган шахслардан асраш, квартира хоналарини алохидалигини таъминлаш ва бошқа талабларга жавоб беради.

Дахлиз куйидаги жихозлардан ташкил топади:

- Гардероб, вешалка
- Ойна
- Телефон тумбаси
- Тумба (кресло)
- Гул-туваклар вахаказо.

Дарс давомида эпидиаскоп ёрдамида журналлар ва слайдлар ёрдамида узимиздаги ва чет эл хоналаридаги дахлизлар курсатилади.

Мехмонхона (умумий хона)

- Функционал роли
- Жихозлари

Мехмонхона куйидаги функционал зоналардан иборатдир:

- Дам олиш
- Мехмонларни қабул қилиш
- Овқатлантириш
- Аклий меҳнат

- Китоб, журнал укиш вахаказо.

Киска килиб олганда эса асосан 2 та функционал зонага булиш мумкин:

- Дам олиш хонаси
- Мехнат зонаси

Функциясига кура зоналарга узига мос жихозлар жихозлар киради.

Дам олиш зонасига куйидаги мебель ва жихозлар киради:

- Диван, кресло ва х.к.
- Журнал столи (йигма ёки роликли)
- Полкалар, этажеркалар (китоб, журнал)
- Люстра, торшер (ёриткичлар)
- Ширмалар.

Хозирги даврда дам олишда радио, магнитофон ва телевизорлар ҳам фойдаланиши муносабати билан мебеллар енгил ва кулай булиши лозим.

Мехнат зонасида мехмон кутиш асосан уч хил кисмдан иборат.

1. Тинч машгулотлар – сухбат куриш, карта, нарда, шахмат ва бошкалар
2. Харакатдаги машгулотлар – болалар уйинлари, ракс тушиш.
3. Мехмон килиш – столга таклиф этиш

Мехмон кутиш зонасида овкатланиш стол-стуллари, булимли секцияли, мебеллар, буфет, люстра, картиналар, пардалар, гиламлар ва бошкалар киради.

ОШХОНА ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЖИХОЗЛАРИ.

1. Ишчи ошхоналар:

Ошхона-шкаф. Ошхона-токча. Факат зарурий ошхона жихозларини жойлашадиган кичик ошхоналар. Ошхоналар чегараланмаган ва турар-жой иморатларинига туташиб кетади.

Токча ошхоналарга факат шамоллатиладиган, турар-жой иморатларидан холис булган иморатлардагина йул куйилади.

2. Ишчи ошхона-овкат тайёрлашга мулжалланган холис иморат. /меъёр 6,0 м²/.

Ошхона - овкат тайёрлашга ва истеъмол килишга мулжалланган иморат /меъёр 6,0м², дан ортик 8-12м²/.

Хар кандай ошхонада унинг габарити ва жихозланиши сифатидан катъий назар овкат тайёрлаш учун зарур булган 3 та нарса мавжудлиги лозим:

1. Иш урни, 2. Товок-кошик ювиш жойи, 3. Учок.

Ошхоналарга жихозларни жойлаштириш: жихозларни бимр томонлама жойлаштириш. Икки томонлама жойлаштириш, Г шаклда - 1 кушни девор буйлаб ва П шаклда.

Уй бекасининг хонадонда кун буйи харакат килиши /асосан ошхонада/

Уй бекаси ишини енгиллаштириш

Секцияли /булимли жихозлар/

Ошхоналар - жихозларни жойлаштириш схемаси

Ювгичлар, плиталар ва бошкалар /схемаларни курсатиш/

Ахлат йиггичлар, ахлат майдалагичлар.

Ошхоналар уз габарити, хажмига кура куйидаги турларга булинади:

- Ошхона – токча (ниша)
- Ошхона – столовая (катта)

Ошхоналарда хажмидан катъий назар овкат тайёрлаш учун зарур булган 4 та технологик узел булиши лозим:

№	Технологик узел	Жихозлари
1	Озик-овкат саклаш жойи	- Озик-овкат саклаш жойи - Холодилник - Яшиклар
2	Озик-овкатларни тозалаш, туграш, ювиш жойи	Ишчи стол, умывальник, идиш-товокларни саклаш жойи, ахлат идиши.
3	Овкат тайёрлаш жойи	Газ плита, това, овкатга зарур зироворлар саклаш учун шкаф, коса, кошиклар учун жой.
4	Идиш-товок ювиш жойи	Стол умывальниги билан идиш-товокларни саклаш ва куриштиш жойи.

Ошхонада яна жихозлар жойланишига караб, ёриткичлар танланади. Албатта табиий ёритиш лозим.

ЁТОКХОНА

Инсонда физиологик ва психологик чарчоги чикиб дам олиши учун ётокхона квартирани бошка хоналаридан ажраган холда керакли кулай жихозлар билан таъминланган булади.

Фойдаланишга караб ётокхоналар икки турга булинади:

1. Факат дам олиш учун мулжалланган ётокхоналар.
2. Аклий меҳнат жойи ва гардероб билан жихозланган ётокхоналар.

Ётокхоналар оила аъзолари сонига караб уч турга булинади:

1. Ота-оналар ётокхонаси. (ванна билан)
2. Катта ёшдаги ёшлар учун ётокхона
3. Болалар ётокхонаси.

Ётокхоналарда бир ва икки уринли кроватлар, тумбалар, торшер, ойнали тумба, кийим-кечак шкафи, шифонер каби жихозлар билан таъминланади. Бундан ташкари ётокхона гилам (палос) картиналар, ёриткичлар ва бошка жихозлар билан уй эгаси хохишига кура тулдирилади.

Ётоқхоналар ванна, душ каби санитария хоналари билан ёнма-ён булиши мақсадга мувофиқдир.

Болалар ётоқхонаси узидаги жихозлари билан бошқа ётоқхоналардан фарк қилади. Жихозларга:

- Бир, икки каватли кроватлар;
- Кийим, кечак шкафчалари;
- Уйчоқ ва китоблар учун шкафчалар ёки полкалар;
- Уйин ва ишга мулжалланган столча;
- Стул ва табуреткалар;
- Йигма кроватчалар ва бошқалар қиради.

САНИТАРИЯ /ТОЗАЛИК/ ТАРМОКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЖИХОЗЛАРИ.

Санитария тармоклари икки типга булинади:

1. Бирлаштирилган санитария тармоклари.
2. Алохида-алохида санитария тармоклари.

Бирлаштирилган санитария тармоқ-хамма санитария ускуналари: Унитаз, юз-кул ювгич ва ванна, душ паддок, бидэ жойлаштирилган битта хона /иморат/

Алохида - алохида санитария тармоклари 2 та хонадан ташкил топади. Унитазли хожатхона.

Хожатхона ва юз кул ювичли ванна ва бидэли ванна хона.

Санитария тармоқлар, ванна хоналарда ускуналарни жойлаштиришнинг рационал схемаси.

Жихозларни жойлаштиришнинг нораціонал схемелари. Эски ва янги намунали сантехник жихозларининг турли типлари.

Ваннахоналарнинг улчамлардан бирини белгилайдиган ишлаб чиқарилаётган ванналарнинг типлари ва габаритлари. Қир ювгич машина урнатиладиган янги тип ванналарни лойихалаштириш.

Нима учун оммавий қурилишларда санитария ускуналарини тугри уртатишга алохида аҳамият берилади ва санитария тармоклари габаритларини ихтиёрий эркин кенгайтиришга йул қуйилмайди?

Санитария тармоқларининг девор ва полларини пардозлаш.

Санитария хоналарига ванна хонаси ва хожатхона қиради.

Квартира габаритига қура санитария хоналари бирлаштирилган ва алохида-алохида булиши мумкин.

Ванна хонаси қуйидаги асосий жихозлардан ташкил топади:

- ванна, душ пардони;
- биде;
- умывальник;
- қир ювиш машинаси;
- ойна;
- тароқ, соқол олиш ускуналари, ювиниш воситалари (совун, тиш пастаси, тиш чуткаси, шампунь ва бошқалар);

- сочик ва кийим илгичлар;
 - ёриткич.
- Хожатхона асосан имкони борица алохида жойлаштирилиши лозим. Хожатхона куйидаги жихозлардан, яъни:
- унитаз;
 - умывальник;
 - полкача;
 - ахлат кутисидан иборат булади.

ДЕВОРГА УРНАТИЛАДИГАН МЕБЕЛЬ.

1. Деворга урнатилган мебельнинг турлилиги: кийимлар учун, идишлар учун, китоблар учун, озик-овкат махсулотлари учун, уй-рузгори учун шкафлар.

2. Вертикал чегаралаш. Куздан кечириш /обзор/ учун кулайдир. Уртача баландлиги полдан 180 см жуда кулай ва тепа кисми кул этмайдиган антрисол.

3. Горизонтал чегаралаш.

4. Шкафларнинг барча параметрлари буйича габаритлар.

5. Китоблар ва майда идишлар учун шкафларнинг эъни.

Деворга урнатилган кроватлар.

Деворга урнатилган турли ишларга мулжалланган ва турлича конструкцияли столлар.

Деворга урнатилган секцияли мебель-пардевор шкафлар ва уларнинг узига хослиги.

Кийимлар шкафида штангаларни жойлаштириш. Деворга урнатилган шкафларнинг эшиги тузулишининг вариантлари: ланг очиладиган, икки томонга суриладиган, бир томонга суриладиган .

Гардероб хоналар ва уларнинг одатдаги шкафлардан фарки. Гардеробхоналарнинг эъни.

СЕКЦИЯЛИ /БУЛИМЛИ/ МЕБЕЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.

1. Одатдаги булимли секцияли мебеллар.

Ягона модуль асосида бажарилган горизонтал ва вертикал холатда турлича бирикмаларни имкони булган булим секциялар.

Кутариб /туртиб/ турувчи булим секциялар.

Булимли секцияли мебелларнинг ижобий сифатлари.

Булимли секцияли мебелларнинг асосий камчиликлари.

2. Жавонли секцияли мебель.

Жавонларнинг тузулиши ва унинг имкониятлари.

Жавонлар хона майдонининг расмлардек алохида зона /доира/ ларга булиб, алохида-алохида килиб, деворга перпендикуляр равишда жойлаштириш мумкин.

Жавон мебельнинг ижобий сифатлари.

1. Вертикал ҳолатда бўлимларни эркин жойлаштириш имконияти.
2. Композицион жойлаштиришнинг тасвирийлиги.
3. Каватланган полка ва кават-кават деворлардан қисман ёки бутунлай қўтилиш.

АСОСИЙ КАМЧИЛИГИ.- Горизонтал бўйича жойини узгартиришнинг жавон устунларнинг чекланганлиги.

Осма секцияли мебелъ.

Осма секцияли мебелнинг асосий принциплари.

Осма секцияли мебелларнинг ижобий сифатлари.

Осма секцияли мебелларнинг асосий камчиликлари.

Универсал йигма секцияли мебелъ.

Универсал-йигма секцияли мебелларнинг узига ҳос тузулиши.

Универсал йигма мебелларнинг ижобий сифатлари.

Интерьерларни сунъий ёритиш.

Турар - жой бинолари интерьерларининг ечимидаги асосий вазифалар

Ҳоналарда ёқимли ёруғлик муҳитини вузудга келтириш.

Интерьернинг нисбатан зонасидаги "Ишчи урнида" қулай ёруғлик яратиш.

Ёруғлик манбаининг марказга урнатилишидан зоналарда келиб чиқадиган ноқулайликлар. Ишчи уринларда сояларнинг келиб чиқиши

Марказий ёруғлик манбаида ҳар бир зона учун алоҳида танлаб олинган маҳсул ёриткичлар билан алмаштириш. Ёриткичларнинг ёриткич манбалардан ишчи уринларига томон нур таратилиш йўналганлиги ва нур таратиш бўйича турлари.

А. Турги нур таратувчи ёриткичлар .

Б. Ёйилувчи нур таратувчи ёриткичлар

В. Аксланган нур таратувчи ёриткичлар

Г. Аралаш типли ёриткичлар

Ёриткичларни дахлизга жойлаштириш.

Ёриткичларни ошхонага жойлаштириш.

Ёриткичларни умумий ҳоналарга, меҳмонхоналарга жойлаштириш.

Ёриткичларни ётоқхонага жойлаштириш

Интерьердаги аралаш ёриткичлар.

БАЛКОНЛАР

Балконлар аҳолини уйда физиологик ва психологик соғлигини сақлаш учун хизмат қилади. Бундан ташқари балконларда размерига қараб қўпгина қунда ишлатиладиган хўжалик асхалари туриши мумкин.

Размерига қўра балконлар қўидаги турларга бўлинади:

- порт-фенетр. (ёшиқ ойна)
- лоджия (эркер)
- балкон;
- терасса.

АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФ ТАСНИФЛАР.

Ёзги хоналар асосан йилнинг илик, иссик даврида фойдаланиладиган, очик, қисман очик ва ёпик хоналар. Бу хоналар истикомат қилиш учун мулжалланган бўлади, ҳамда қушимча хоналар сифатида фойдаланилади. Ёзги хоналар лойihalаниши ва тзилиши жихатдан қуйидаги хилларга ажратилади: ровон айвон, пешайвон, терраса, осма айвон, бошка хил айвонлар ҳамда атрофи тусилган (ёпик) ховличалар.

Пешайвон (лоджия) уч томони деворлар билан қуршалган, бинонинг ичкарироғида жойлашган, ташқи томони очик ёки ойнавон ёзги хона.

Ровон айвон (веранда) бинонинг асосий қисми (ҳажми)га жойлашган ёки бинога туташтириб қурилган ойнавон ёзги хона.

Терраса – ерда ёки пастки қават томида жойлашган, Тула ёки қисман очик ёзги хона.

Осма айвон (балкон) консоль (тусин)нинг девордан чиқиб турган уchlари устида жойлашган, дам олиш учун мулжалланган ёзги хона, унга ётокхоналардан ёки ошхона эшигидан чиқилади.

Айвон – ёзги хоналарнинг анъанавий туридир; унинг шакли, қуриниши ҳар хил бўлади, ундан турли мақсадларда фойдаланилади. Масалан:

«Кашкарча» айвон-икки ётокхона уртасида жойлашган ёзги хонадир; қутариб қуйиладиган парда эшиклар қуриш йули билан ташқи ихоталовчи тусикни узгартириш мумкин;

«Уй-айвон» - қишилар истикомат қиладиган хоналар билан қуршаб олинган, ости-усти қатор ойнали ёпик ховлича;

«Далон» - дарвозадан бошланган ёки ховли уртасида жойлашган усти ёпик узун йулак-атрофи ёпик ховлича;

«Болахона» - ховлига қираверишда иккинчи қаватда жойлашган ёзги хона;

«Одатдаги пешайвон» - қишилар истикомат қиладиган хоналар орасида жойлашган, усти ёпик ва ойнавон ёзги хона; бу хонадан бевосита ховлига чиқилади.

Қуп қвартирали уй бу уйдаги қвартиралар сони 4 дан зиёд бўлади (секция, далонли, секция-далонли, йулақли уйлар; улардаги қвартираларнинг уз ховлиси бўлмайди).

Туташтирилган (блокировка қилинган) уй конструкциялари тик ва ётик йуналишларда бирлаштирилган қупи билан икки блокли қвартирали уй. Ҳар бир қвартирадан ердаги ёки бинонинг қаватларидаги ховличага чиқиладиган йул бор.

Секцияли уй – бир ёки бир неча блокли-секуцияли бино.

Уй-интернатлар (қарияларга ва ногиронларга мулжалланган) аҳолининг майиб-мустикал равишда ҳаракатлана олмайдиган, махсус парваришга ва алоҳида уй-жой шароитига ва тегишли хизмат қурсатиш системаларига мухтож бўлган қисми учун мулжмланган уйлар.

Умумий ётокхонанинг турар-жой ячейкаси – умумий ётокхонанинг истикомат килинадиган хоналарини ва кушимча (ёрдамчи) хоналарини уз ичига олган, ҳамда муайян микдордаги одамлар яшайдиган бирламчи кисми.

Турар-жой гурухи – умумий ётокхонанинг бир неча ячейкани бирлаштирган, ҳамда умум фойдаланадиган муайян хоналарни уз ичига олган режалаштирадиган кисми.

Хизмат курсатиш блоки – ихтисослаштирилган уйлардаги маданий-маиший ва бошқача хизмат курсатиладиган жами хоналар.

Болахона (мансарда) – уйнинг чордок бушлигида жойлашган хоналарнинг бир кисмидир.

Чордок – бинонинг томи, ташки деворлари ҳамда энг юкори кават ёпмаси оралигидаги бушликдир.

Ер устидаги кават – хоналарининг поллпри баландлиги курсатувчи белги заминнинг режавий белгисидан паст булмаган сатҳда жойлашган каватдир.

Пастки, яъни цоколь кават-хоналарининг поллпри баландлигини курсатувчи белги заминнинг режавий белгисидан купи билан хонанинг ярим баландлигига тенг сатҳда баландрок жойлашган каватдир.

Ертула кават – хоналарининг поллари баландлигини курсатувчи белги заминнинг режавий белгисидан камида хонанинг ярим баландлигига тенг сатҳда пастрок жойлашган каватдир.

Техника максадларида фойда ланиладиган кават-мухандислик ускуналари урнатиладиган ва коммуникация тармоклари ёткизиладиган кават; бу кават бинонинг пастки кисмида (техникавий ертулада), юкориги кисмида (техникавий чордокда) ёки урта кисмида жойлашиши мумкин.

Чордок ховли – баландлиги бир-икки каватдан ошмайдиган бинолар олдидаги ховли бевосита бинога туташган майдоннинг бир кисми булиб йилнинг илик даврида ундан маиший ва хужалик максадларида фаол фойдаланилади.

РУСЧА – УЗБЕКЧА ЛУГАТ.

1. Интерьер жилых зданий	- франсузча «ички куриниш» маъносини беради
2. Форма	- форма
3. Строительный материал	- курилиш материаллари
4. Цвет	- ранг
5. Светло	- ёруглик
6. Масштаб	- нисбат
7. Типы квартир	- турар-жой турлари
8. Общая комната	- умумий хона, меҳмонхона
9. Спальные помещения	- ётокхона
10. Кухня	- ошхона
11. Санитарные узлы	- санитария тармоги
12. Передня	- дахлиз
13. Однокомнатная квартира	- бир хонали турар-жой
14. Детская комната	- болалар хонаси
15. Секционный мебель	- булимли жихозлар
16. Газовая плита	- газ плита
17. Стиральная машина	- кир ювиш машинаси
18. Мусорсборник	- ахлат йигитгичи

САВОЛЛАР

1. Интерьер сузининг маъноси ва интерьернинг биноларга нисбатан турлари.
2. Турар-жой биноларнинг интерьер асослари.
3. Бинонинг умумий композицияда ички курилишнинг аҳамияти.
4. Кинотеатр интерьер ива характерли томонлари.
5. Кинотеатр зали ва фойеларидаги жихозлар.
6. Ички майдон ички урилиш бинонинг нимага мулжалланганлигига боғлиқ равишда ташкил қилинади.
7. Курилишнинг гоёвий мазмуни ва унинг функционал узига ҳослигининг ички курилиши воситасида ифодаланиши.
8. Замонавий архитектуранинг характери белгилари нималарга боғлиқ.
9. Ошхона, унинг функционал роли ва турлари.
10. Ошхона жихозлари ва улар улчамлари.
11. Ошхона турлари.
12. Уларнинг жихозлари.
13. Ошхонага жихозларни жойлаш усуллари.
14. Ванна хонаси ва санузел жихозлари, улар улчамлари.
15. Дахлизни функционал роли ва жихозлари. Улар улчамлари.
16. Санитария (тозаллик) тармоқлари ва уларнинг жихозлари нималардан иборат.
17. Нима учун оммавий курилишларни санитария усқуналарини тугри урнатишга алоҳида аҳамият берилади ва санитария тармоқлари габаритларини ихтиёрий эркин кенгайтиришга йул қуйилмайди.
18. Деворга урнатилган мебелларнинг турлари.
19. Ёриткичлар, уларнинг турлари.
20. Тура ржой уйлари интерьериде ёругликни роли.
21. Булимли секцияли мебеллар.
22. Уларнинг турлари.
23. Булимли секцияли мебелларнинг асосий камчиликлари.
24. Болалар хонасини функционал роли ва турлари.
25. Болалар хонаси ва улар улчамлари.
26. Булимли секцияли мебелларнинг ижобий сифатлари.
27. Жавонли секцияли мебель хақида тушунча.
28. Жавон мебелларнинг ижобий сифатлари.
29. Мехмонхоналар интерьер ива характерли функционал томонлари.
30. Мехмонхоналарда жихозлар ва уларни улчамлари.
31. Жавон мебелининг асосий камчилиги нималардан иборат.
32. Осма секцияли мебелнинг асосий принциплари.
33. Осма секцияли мебелларнинг ижобий сифатлари.
34. Кабинет интерьери. Функционал роли.
35. Кабинет жихозлари ва уларни улчамлари.
36. Осма секцияли мебелларнинг асосий камчилиги.
37. Турар-жой биноларнинг интерьер асослари.

АДАБИЁТЛАР.

1. И.А. Каримов «Узбекистан на пороге XXI века». Ташкент, 1999 г.
2. Степанов Н.Н. «Цвет в интерьере». Киев "Виша школа" 1985 г.
3. Лисициан В.М., Новикова Е. Б., Петунина З.В. «Интерьер общественных и жилых зданий». М. Стройиздат. 1973 г.
4. Блохин В.В. «Архитектура интерьера промышленных зданий» М. Стройиздат 1973.
5. Борис Г. «Цвет в архитектуре промышленных зданий». М. Стройиздат.1982 г.
6. Ян Маас, Мария Реферовская. «Современный интерьер». Варшава.
7. КМК: 2.08.01-94 «Турар жой бинолари» (СНиП).